

А Ж Р И М

(жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш ҳақида)

2021 йил 29 апрель куни жиноят ишлари бўйича Олмазор туман суди Учтепа тумани “Экобоғ”да сайёр суд мажлисида, судья Х.Содиқовнинг раислигида, судья ёрдамчиси С.Халиловнинг котиблигида, Олмазор туман прокурорининг катта ёрдамчиси М.Комилов ва Олмазор тумани ИИО ФМБ Пробация гуруҳи инспектори иштирокида, Тошкент шаҳар Олмазор тумани ИИО ФМБ Пробация гуруҳи бошлиғининг

Демидов Степан Александрович 02.08.1974 йилда Тошкент шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, бўйдоқ, муқаддам судланган, Тошкент шаҳар Олмазор тумани “Қичқирик” маҳалласи, Қорақамиш 1/3 даҳаси 61-уй 49-хонадонда яшовчига

нисбатан жазодан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш тўғрисидаги тақдимномасини йиғма жилд материаллари билан кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Маҳкум Демидов Степан Александрович 2018 йил 9 январь куни жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туман судининг ҳукмига кўра Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 2-қисми “б” банди билан айбдор деб топилиб, ЖКнинг 60,61-моддаларига асосан 3 йил 2 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

22.08.2019 йил куни жиноят ишлари бўйича Олмалик шаҳар судининг ажримига кўра ЖКнинг 74-моддасига асосан ўталманган 1 йил 6 ой 17 кун озодликдан маҳрум қилиш жазоси шу муддатга ҳар ойлик иш ҳақидан 20 фоизи давлат даромади ҳисобга ундирилган ҳолда ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган.

Маҳкумга нисбатан чиқарилган ҳукм, Олмазор туман ИИО ФМБ Пробация гуруҳи ҳисобига 2019 йил 15 апрель куни олинган ва унга ахлоқ тузатиш ишлари тариқасидаги жазо турини ўташ тартиб қоидалари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилган ва уларга риоя қилиши тўғрисида тилхат олиниб, жазо муддатини ўташи учун маҳкум Олмазор тумани Бандликка кўмаклашиш вааҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказига ишга йўлланма берилган. Маҳкум 15.10.2019 йилдан Тошкен шаҳар Миробод тумани, 2-берк Файзиобод кўчаси 2-хонадонда жойлашган “GREEN LIFE CORP” МЧЖга “қоровул” вазифасига ишга қабул қилиниб, 30.11.2019 йил GREEN LIFE CORP” МЧЖдан меҳнат шартномаси бекор қилинган. 02.12.2019 йилдан Тошкент вилояти Янгиобод, Гиофизика кўрғони, Ёғду кўчаси 1-уйда жойлашган “CONSULTING PERFECN TRUST” МЧЖга “ишчи” вазифасига ишга кирган 01.03.2020 йилдан “CONSULTING PERFECN TRUST” МЧЖдан меҳнат шартномаси бекор



қилинган. 06.07.2020 йилдан Тошкент шаҳар Юнусобод тумани 15-даха 4-тор кўчаси 1-уйда жойлашган “HUNAR-UNAR” МЧЖда “мебелчи” вазифасига ишга кирган ва ҳозирги кунга қадар ишлаб, жазо муддатини ўтаб келмоқда. Ўтган вақт ичида маҳкум ўрнатилган тартиб қоидаларга риоя этиб, яшаш ва иш жойларидан ижобий тавсифланиб келганлигини инобатга олган ҳолда “ HUNAR-UNAR” МЧЖ раҳбарияти маҳкумни муддатидан олдин шартли равишда озод қилиш тўғрисида илтимоснома билан мурожаат қилган. Маҳкум томонидан давлат фойдасига ўтказиладиган чегирма тўлиқ ўтказиб келинган.

Ҳозирда маҳкум С.Демидов ахлоқ тузатиш ишлари тариқасидаги жазо турини 1 йил 17 кунини ўтаган. ўталмаган жазо муддати 6 ойни ташкил қилади.

Суд мажлисида С.Демидов, у содир этган қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, ўзига тегишли хулоса чиқариб олганлигини, суддан уни ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўташдан муддатидан илгари озод қилишни сўради.

Суд мажлисида Тошкент шаҳар Олмазор тумани ИИО ФМБ Пробация гуруҳи инспектори, ҳақиқатдан ҳам маҳкум С.Демидов Пробация гуруҳи ҳисобида туришини, С.Демидовни ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўташдан муддатидан илгари озод қилишни сўради.

Суд иш хужжатларини ўрганиб чиқиб, туман прокурори катта ёрдамчисининг киритилган тақдимномани қаноатлантиришни сўраб берган хулосасини тинглаб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 73-моддасида кўрсатилган талаблардан келиб чиқиб, киритилган тақдимномани қаноатлантиришни ва С.Демидовни ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилишни лозим деб топади.

Юқоридагиларга асосан ва Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 423, 541-моддаларига асосланиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л А Д И:

Тошкент шаҳар Олмазор тумани ИИО ФМБ Пробация гуруҳи бошлиғининг тақдимномаси қаноатлантирилсин.

Демидов Степан Александровичга тайинланган жазонинг ўталмаган қисми, яъни муддати 6 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазосидан муддатидан илгари шартли озод қилинсин.

Ажримдан норози томонлар ажрим эълон қилинган кундан бошлаб 20 кун ичида шу туман суди орқали Тошкент шаҳар судига шикоят ёки протест келтиришлари мумкин.

Раислик қилувчи судья

Х.Содиқов

